

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Марказий госпитали
бошлиғи, полковник**



Х.Х. Усманов

Буюртмачи

**Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Марказий госпитали**

Техник топшириқ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Марказий госпитали ошхонаси учун (майиший техника)ларни
харид қилиш бўйича**

1.	Танлов мавзуси	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали ошхонаси учун (майиший техника)ларни харид қилиш бўйича
2.	Буюртмачи	Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий госпитали.
3.	Молиялаштириш манбаи	Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан.
4.	Танлов ўтказиш жойи	Тошкент шаҳар Олмозор тумани, Чимбой 2-уй.
5.	Танлов тури	Очиқ
6.	Таклифларни баҳолаш мезони	Бал усулида
7.	Ахборот манбаи	Etender.uzex.uz
8.	Тақдим этиладиган таклифлар тили	Ўзбек ва рус тилларида
9.	Валюта тури	Миллий валюта – сўм
10.	Ҳисоб-китоб тартиби	Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 иш кунда олдиндан тўлов 30%. Буюртмачи тўловнинг қолган 70% қисмини етказиб берувчи томонидан берилган ҳисобварақ-фактуралар асосида, буюртмачининг талабига кўра, тегишли ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида тўловни амалга оширилади.
11.	Электрон Танлов иштирокчиларига тушунтириш тартиби	<ul style="list-style-type: none"> - ёзма талабда, ёзма шаклда; - телефон воситасида, оғзаки шаклда - шахсан суҳбат орқали.
12.	Электрон Танлов таклифини тақдим этиш усули	Электрон шаклида
13.	Муқобил таклиф (ўхшаш)	Рухсат берилмайди
14.	Электрон Танлов иштирокчиларига талаблар	<ol style="list-style-type: none"> 1. Электрон Танлов ҳужжатларига асосан (илова қилинади); 2. Иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (тақдим этилиши мажбурий).
15.	Электрон Танлов предметининг максимал нархи	361 600 000 (Уч юз олтмиш бир миллион олти юз минг) сум
16.	Танловлар, ишлар ва хизматлар кўрсатиладиган жой	Тошкент шаҳар Олмозор тумани, Чимбой 2-уй.
17.	Товарларни ишлаб чиқиш ҳамда етказиб бериш ва техник хизматлар кўрсатиш муддати	Шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 иш куни муддат ичида.
18.	Товарлар, ишлар ва хизматларни қабул қилиш	Қабул қилиш шартнома шартларига мувофиқ, шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади

19.	Танлов иштирокчилари тақдим этадиган шакллар	Электрон Танлов шакиллари илова қилинади
20.	Махсус шартлар	<p>Иштирокчи танлов предметига мос хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган моддий-техник базага эга бўлиши керак.</p> <p>Буюртмачи тушунтиришларни аниқлаштириш ва олиш мақсадида танлов хужжатларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотларни талаб қилишга ҳақли.</p> <p>Электрон Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ахборот мижоз томонидан ўз хоҳишига кўра ҳуқуқий талаблар доирасида қўлланилиши.</p> <p>Электрон Танлов шартлари, шу жумладан шартнома, танлов шартноманинг муҳим шартлари бундан мустасно, Электрон танлов предметининг ўзига хос хусусиятларига қараб ўзгартирилиши мумкин.</p> <p>Ишчи орган, шунингдек Электрон танлов комиссияси танлов талабларига зид равишда тақдим этилган таклифларни чиқариб ташлаш, шунингдек танлов шартларини бузган иштирокчиларни дисквалификация қилиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Ушбу танлов иштирокчилари томонидан таклифлар etender.uzex сайтига тақдим этиш муддати якунлангач, танлов иштирокчилари томонидан ушбу танлов мавзусига доир тақдим этилган сўровлар, таклифлар ва бошқа маълумотлар кўриб чиқилмайди.</p>
21.	Масъул ижрочи ва алоқа маълумотлари	ИИБ Марказий госпитали таъминот булинмаси кичик инспектори (71) 227-83-09